



ФАРГОНА ШАҲАР
ПРОКУРАТУРАСИ

712001. Фарғона ш. К.Раҳимов кўчаси 2 «а» уй
тел. 24-54-12. Х/раками 000286281
Код 173046327 саноат курилиш банки
Улугбек булими

№ -2002

«յо » декабр 2002 й

Марғилон шаҳар, Зуҳро
кўчаси 32-йини 32-ҳонасида
истиқомат қилувчи

фуқаро М.Тожибоевага.

Фарғона шаҳар прокуратураси томонидан Сизнинг Ўзбекистон Респубуликаси Президенти номига пикет ўтказиш ва бошқа ҳолатлар ҳақида ёзган телеграмманинг юзасидан текшириш ўтказилди. Мазкур телеграммадан маълум бўлишича Сиз жорий йилнинг ўтган 8 декабр куни Тошкент шаҳрида жойлашган «Олий мажлис» биноси олдида «намойиш ўтказмоқчи эканлигингизни таъкидлагансиз.

Айнан шу мазмундаги талабингиз юзасидан Фарғона шаҳар прокуратураси томонидан текширув ҳаракатлари олиб борилиб тегишли ҳокимият идораларининг руҳсатномасини олмасдан туриб йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар ўтказганингиз тақдирда Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 201-моддаси тартибида маъмурий жавобгарликка, шундай ҳаракатни тақроран содир этган тақдирингизда эса Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 217-моддаси талабига кўра жиноий жавобгарликка тортилишингиз ҳақида огоҳлантирилгансиз.

Келгусида йиғилишлар, митинглар, кўчт юришлари ва намойишлар ўтказиш истаги бўлган тақдирда амалдаги қонунларга риоя этишингиз лозимлигини маълум қиласман.

Фарғона шаҳар прокурори
аддия маслаҳатчиси

Т.Р.Хасанов.